

Замондан нолиманг!



21:00 / 09.11.2022 2342

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Аллоҳ аzza ва жалла айтади: «Одам боласи замонни сўкади. Ҳолбуки, замон Менман. Кеча ва кундуз Менинг қўлимда».**

Бухорий ривоят қилган.

Бошқа ривоятда: **«Туни ва кунини айлантриб тураман. Истаганимда қабз қиламан»**, дейилган.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Яна бошқасида: **«Аллоҳ аzza ва жалла деди: «Одам боласи Менга озор беради. Замоннинг дастидан дод, дейди. Бирортангиз**

замоннинг дастидан дод демасин. Замон Менман. Унинг туни ва кунини айлангириб тураман. Истаганимда қабз қиламан», дейилган.

Муслим ривоят қилган.